

№ 01/10-47
08.04.2024-yil



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Узбекистон Республикаси
Кишлоқ хўжалиги вазири

И.Абдурахмонов

2024 йил “8” апрель

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири
раҳбарлигида ўтказилган йиғилишнинг
—сон БАЁНИ

2024 йил 1 апрель

Тошкент вилояти

Раислик қилувчи: – И.Ю. Абдурахмонов – Қишлоқ хўжалиги вазири

Иштирок этдилар: – вазир ўринбосари – А.Шукуров
вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва тизим ташкилотлари раҳбарлари (*рўйхат бўйича*)

КУН ТАРТИБИ:

- Хорижий давлатлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида бажарилган ишлар тўғрисида.
- Хориждан олиб келинган ғўза уруғларини экиш ҳамда баҳорги мавсумда ғалла парвариши бўйича амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш тўғрисида.
- “Ijgo.gov.uz” тизими орқали назоратга олинган топшириқлар ижросини ташкил қилиш тўғрисида.
- Вазирлик тизимида Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида.
- Бошқа масалалар тўғрисида.

(Абдурахмонов, Шукуров, Ш.Эргашев, Бабаханов, Жўраев, Икрамов, А.Эргашев,
Абдузухиров, Шарифов, Атақулов, Базаров, Габова,.., Абдурахмонов)

Йиғилишда хорижий давлатлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини ўзлаштириш ҳолати, хориждан олиб келинаётган ғўза уруғларини худудларда экилишини ташкил қилиш, баҳор мавсумидаги ғалла парвариши ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, вазирлик ва унинг тизим ташкилотларига “Ijgo.gov.uz” тизими орқали юклатилган топшириқлар ижросини муддатини ўтказмасдан таъминлаш ҳамда соҳадаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича масалалар муҳокама қилинди.

Жумладан, Хитой билан амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ҳозирда юзага келаётган **муаммолар**(ер ажратиш масалалари)ни тезлик билан ҳал қилиш, I чорак якуни билан ўзлаштирилган инвестиция маблағларини **Статистика агентлиги ҳисоботларида** инобатга олинишини таъминлаш, хорижий ҳамкорларнинг мамлакатимизга **инвестиция киритиши** ва шу маблағларни **ўзлаштириш** ишларини **жадаллаштириш** лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда хориждан келтирилган ғўза уруғларини худудларга жойлаштириш ва экиш ишларини тезлаштириш, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан хориждан келтирилаётган ғўза уруғларини ўрнатилган тартибда мамлакат худудига олиб кириш ишларини тўғри йўлга қўйиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, ғалла майдонларида тарқалаётган **бегона ўтлар**, **занг** ва бошқа **касалликлар** ҳамда **зааркунандаларга** қарши кураш тадбирларини жадаллаштириш, ғалла майдонларини **азотли минерал** билан **озиклантириш**, **макро** ва **микро** элементларга бой **биостимуляторлар** ёрдамида **барг орқали суспензия** усулида ишлов бериш тадбирларини амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, йиғилишда “**Ijro.gov.uz**” тизимида топшириқлар ижросини **ўз вақтида** таъминлаш, **муддати ўтган** топшириқларни **зудлик** билан бажариш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига **белгиланган муддатлардан** кечиктирмай ва сифатли жавоб бериш масалалари муҳокама қилинди.

Жорий йил 1 апрель ҳолатига “**Ijro.gov.uz**” тизимида вазирлик ва унинг тизимида ташкилотларда **9** та, жумладан, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказида **1 та муддати ўтган топшириқлар** ижроси таъминланмаганлиги қайд этилди.

Аксарият ҳолатларда масъул ижроилар томонидан топшириқ ижросини таъминлаш учун **етарлича муддат белгиланган бўлишига қарамасдан** ишини тўғри режалаштираслик ва барвақт ташкил қиласлик натижасида топшириқларнинг ижроси кечикишига йўл қўйилганлиги келтириб ўтилди.

“**Ijro.gov.uz**” тизимида муддати ўтган топшириқларни **зудлик билан назоратдан ечиш**, апрель ойида вазирлик ва унинг тизим ташкилотларига юклатилган топшириқлар ижросини **муддатини кечиктирмасдан** таъминлаш, жисмоний ва юридик шахслар томонидан келиб тушган мурожаатларга **ўз вақтида жавоб бериш** зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш якунида соҳада Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича олиб борилган ишларга, коррупцияга қарши курашишга барча раҳбарлар ва ходимлар жиддий ёндашиши кераклигига тўхталиб ўтилди, ушбу йўналишда раҳбарларнинг шахсий масъулияти оширилиши шартлиги таъкидланди. Коррупцияга қарши курашишга

масъул бўлинмага тегишли топшириқлар берилди. Коррупцияга муросасизларча муносабатда бўлишга ҳар бир ходим мажбур эканлиги белгиланди ва коррупцияга йўл қўйган ҳар қандай шахс муқаррар жавобгарликка тортилиши эслатиб ўтилди.

Юқоридаги камчиликлардан ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалардан келиб чиқиб, йиғилиш қарор қиласди:

1. Хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича Инвестициялар ва хорижий грантлар бошқармаси бошлиғи А.Убайдуллаев масъул координатор этиб белгилансин. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш ва инновацияларни жорий этиш департаменти (Бабаханов) бир кун муддатда тегишли буйруқ лойиҳасини тасдиқса киритсин.

2. Вазир ўринбосари (Шукуров), Вазир маслаҳатчisi (Охунов), Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш ва инновацияларни жорий этиш департаменти (Бабаханов), Инвестициялар ва хорижий грантлар бошқармаси (Убайдуллаев):

бир кун муддатда марказий аппарат ходимларидан Қатар давлатига масъул координатор белгиласин;

бир кун муддатда инвестиция дастури бўйича **II чоракда** белгиланган **147,5 млн доллар** маблағларни ҳозирдан ўзлаштириш чораларини кўрсинг, мавжуд муаммолар юзасидан ахборот киритсин;

Қатар бўйича масъул координатор **бир ой муддатда** ушбу давлат билан ҳамкорликда амалга оширилаётган истиқболсиз лойиҳаларни янги лойиҳаларга алмаштириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқсин (*зарур ҳолда Қатарга хизмат сафарини амалга оширсин*) ва натижаси юзасидан ахборот киритсин;

Хитой билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларда мавжуд муаммоларни (*ер масаласи*) ҳал қилиш бўйича белгиланган тартибда амалий чораларни кўрсинг.

3. Вазир маслаҳатчisi (Охунов), Лойиҳа бошқарув оғиси (Габова) хорижий давлатлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини мониторинг қўлсин ва натижаси юзасидан ахборот киритиб борсинг.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш департаменти (Сабиров), **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги** (Эргашев), **Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар миллий маркази** (Отажонов) **бир кун муддатда** ғалла майдонларида амалга оширилаётган агротехник тадбирларда амалий ёрдам бериш учун Республика ишчи гуруҳини ташкил этиб, ҳудудларга етиб бориши таъминлансин.

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш департаменти (Сабиров), **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги** (Эргашев), **Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси** (Вахабов), **Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар Қишлоқ хўжалиги бошқармаси билан биргаликда:**

жорий йил об-ҳаво шароитини инобатга олиб, ғалла парваришида **“долзарб 30 кунлик”** эълон қилсин;

ғалла майдонларида тарқалаётган бегона ўтлар, асосан занг ва бошқа касалликлар ва зааркундаларга қарши кураш тадбирларини жадаллаштирсин;

ғалла майдонларини азотли минерал ўғитлар билан иккинчи ва учинчи озиқлантириш ҳамда пешма-пеш шарбат усулида суғориш ишларини тизимли ташкил этсин;

ғалла майдонларини макро ва микро элементларга бой биостимуляторлар ёрдамида барг орқали суспензия усулида ишлов бериш тадбирларини амалга ошириш чораларини қўрсин.

6. Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Мамажонов), **Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази** (Отажонов), **Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси** (Вахабов), **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги** (Эргашев) хориждан олиб келинаётган ғўза уруғларини ҳудудларда жойлаштириш, сақлаш, тарқатиш ва экиш ишларини жадаллаштирсин.

7. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (Вахабов) хориждан келтирилаётган ғўза уруғларини экинбоплик бўйича сертификатларини қисқа муддатларда тайёрлаш чораларини қўрсин.

8. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (Эргашев) **10 апрелга қадар** чегарада турган ғўза уруғларини ўрнатилган тартибда лаборатория таҳлилларидан ўтказиб тегишли хulosаларини бериш чораларини қўрсин.

9. Вазир ўринбосарлари, вазирлик тизимидағи республика ижро этувчи ҳокимият органлари, тизим ташкилотлар ва илмий-тадқиқот институт раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқарма бошлиқлари:

ўзлари раҳбарлик қилаётган ташкилотларда тадбирларни нишонлаш учун ходимлардан пул йиғиши амалиётини қатъий тақиқлаш чораларини қўрсин;

хорижий меҳмонлар ёки чет эл сафарлари учун мўлжалланган совғаларни қонунчиликда белгиланган тартибда ва манбалар ҳисобидан берилишини назоратга олсин.

10. Тегишлилиги бўйича вазир ўринбосарлари, вазирликнинг бўлинмалари ҳамда тизим ташкилотлари раҳбарлари “Ijro.gov.uz”

тизимида жорий ҳолатда **9 та** муддати ўтган (А.Туланов, Б.Рахимов, Т.Атакулов, А.Жўраев, Ш.Отажонов) топшириқларни зудлик билан назоратдан ечиш чораларини қўрсин.

11. Вазир ўринбосарлари, вазирлик тизимидағи республика ижро этувчи ҳокимият органлари, тизим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари апрель ойида “Ijgo.gov.uz” тизими орқали назоратга олинган топшириқларни **22 апрелга қадар назоратдан ечиш чораларини қўрсин. Бунда, топшириқларнинг ижроси белгиланган муддатдан ўтган тақдирда, масъул ижро чоралари нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилиши бўйича огоҳлантирилсин.**

12. Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (Эргашев), **Мурожаатлар билан ишлаш бўлими** (Халилов) бир кун муддатда қўмита томонидан ижроси таъминланмаган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини назоратдан ечиш чораларини қўрсин.

13. Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими (Халилов):

йил давомида коррупцияга қарши курашиш йўналишида ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича жойларга чиқсан ҳолда ўрганиш, тушунтириш ва ўқув семинарларни ҳамда коррупцияга қарши курашишга оид тарқатма материалларни (*флаер, буклет ва баннерлар*) ишлаб чиқиш ва тарқатиш тадбирларини амалга оширишни;

вазирликнинг ва тизим ташкилотларнинг расмий веб-сайтларига коррупцияга қарши курашиш юзасидан меъёрий ҳужжатларни ва амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни жойлаштириб борилишини;

хар чорақда “Е-антикор” платформасига Коррупцияга қарши курашиш йўналишида олиб борилган ишлар юзасидан ҳисботларни киритиб борилишини таъминласин.

14. Вазирлик тизим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот институт раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқарма бошлиқлари:

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш борасида 2024 йил учун тасдиқланган йиллик режасида ҳамда “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгashi мажлисининг 12-сон баёнига асосан ишлаб чиқилган ҳудудий ва соҳа (тармоқлар) кесимида 2024 йил учун Коррупцияга қарши курашиш йўналишида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва жамиятда Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирлар режаси”да белгиланган топшириқларни ўз вақтида бажарилишини ва белгиланган муддатларда вазирликка асосли маълумотларни киритиб борилишини таъминласин.

15. Ушбу йигилиш баёнининг бажарилишини назорат қилиш Вазир котибијати (Эргашев) зиммасига юклансин.